

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиязарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар .....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи .....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Ғофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варвариизмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исроилова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
<b>М.Ҳожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
<b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

УДК: 8-1/-9+8.04+781.4

## ҲИКОЯТ (ПРИТЧА) НИНГ БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ ЎРНИ

## РОЛЬ ПРИТЧИВ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

## THE ROLE OF CHARACTERS OF ART LITERATURE

С.Исроилова

**Аннотация**

Мақолада Шарқ адабиётида кенг тарқалган, Фарб адабиётшунослигида притча деб юритиладиган ҳикоятларнинг жанр хусусиятлари, мавзулар кўлами ва ғоявий мақсадлари ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация**

В статье рассматриваются жанровые особенности, объем тем и идеологические цели историй, которые распространены в восточной литературе и считаются притчами в западной литературе.

**Annotation**

The article discusses genre features, the volume of themes and ideological goals of stories that are common in Eastern literature and are considered parables in Western literature.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ҳикоят, притча, жанр хусусиятлари, мавзу кўлами, ғоявий мақсад, таълимий хусусият, тарбиявий жиҳатлар, композиция, уйғунлик, ўзаро таъсир.

**Ключевые слова и выражения:** Притча, особенности жанра, предметная область, идеологическая цель, воспитательная особенность, композиция, гармония, взаимодействие.

**Keywords and expressions:** Parable, features of the genre, subject area, ideological goal, educational feature, composition, hormone, interaction.

Шарқ адабиётида қадимдан кенг ўрин тутадиган ҳикоят жанри асрлар давомида одамларни ҳидоят йўлига етаклаш, ёшларга таълим-тарбия беришда муҳим аҳамият касб этиб келган. Фарб адабиётида айнан ҳикоят жанри билан мувофиқ келадиган кичик насрий ёки шеърий асарлар “притча” атамаси билан юритилади. Ҳикоят типидаги ана шундай асарларнинг ўзаро уйғун жиҳатларига ойдинлик киртиш учун у ҳақидаги изоҳларга эътибор берайлик. Притчалар мухтасар ҳажмдаги, мавзуни мажозий шаклда ифодаловчи, ахлоқий ғояларни назарда тутувчи ҳикоятлардир. Притчалар айрим жиҳатлардан масалга яқин туради. Фарқ шундаки, масалда ҳажв устунлик қилса, притча-ҳикоятларда ахлоқий-фалсафий мақсад етакчилик қилади.

Фарб адабиётшунослиги Шарқ ҳикоятларининг тасаввуфга оидларини “суфийские притчи” номи билан изоҳлайди. Шайх Саъдий, Алишер Навоий сингари Шарқнинг улуғ мутафаккирлари ижодидан қилинган таржималар ҳам ана шундай притчалар сифатида китобхонларга тақдим этилади. Шундан келиб чиқиб, биз Алишер Навоий ижодидан намуналар асосида, асосан, “Ҳайрат-ул аброр” достонидан ўрин олган ҳикоят (притча)ларнинг шакл, мазмун ҳамда жанрий

хусусиятларига тўхталмоқчимиз.

“Ҳайрат-ул аброр” ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган бўлиб, асар композитсияси қолипловчи сюжетдан ташқари ўнлаб ҳикоятларни ҳам ўз ичига олади. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, Навоий ўз асарларида “ҳикоят” атамасини муайян адабий шакл (ҳикоя)га нисбатан қўллаш билан бирга, уни жамловчи тушунча сифатида ҳам ишлатган. Умуман, мумтоз адабиётда бу атама кичик ва ўрта эпик турга мансуб ҳикоя, масал, латифа, ривоят, афсона ва қисса каби жанрларга нисбат берилган [1,186].

Шуни айтиш керакки, Навоий ҳикоятлари ҳозирги замон ҳикоячилигидан образ яратиш принциплари, сюжет ва композитсион қурилиш жиҳатдан фарқ қилади. Масалан, дostonда келтирилган ҳикоятларнинг ҳаммасига насрий сарлавҳалар қўйилган. Уларда ҳикоятларда олға сурилган мазмун ва ғоя шеърий йўл билан баён этилади. Ҳикоятларга қўйилган бу насрий сарлавҳалар халқ оғзаки ижодига хос **сажъ** усулида қофияланган. Шунингдек, Навоийнинг ҳамма ҳикоятлари, жумладан, Хотам Тоий ҳақидаги ҳикояти “Хотам Тоий ҳикоятиким...” деб, булбул ҳақидаги ҳикояти “Булбул ҳикоятиким...” деб бошланади.

С.Исроилова – ФарПИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Шунга кўра, Навоий ҳикоятларини (ҳозирги ҳикоялардан фарқлаш учун) Навоийнинг ўз таърифига кўра **“ҳикоят”** деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Достонда 20 та мақолат, 20 та ҳикоят мавжуд. Мазкур ҳикоятлар достондаги айрим лавҳа, мулоҳаза ёки назарий қарашларга илова сифатида, уларда илгари сурилган мазмун ва ғояни чуқурроқ очиш учун мисол тариқасида келтирилган. Демак, бу ҳикоятлар асар композицияси, сюжети ва ғоявий мазмунида ўзининг муайян вазифасига эга. Шу билан бир қаторда улар мустақил сюжет, композиция ва ғояга эга бўлган асарлар ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида мустақил асарлар сифатида текшириш мумкин.

Достондан ўрин олган ҳикоятларни мавзулар кўламига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар.

2. Дин ва тасаввуф намояндалари, уларнинг баъзи муҳим қарашларига оид ҳикоятлар.

3. Ахлоқий-таълимий ва маърифий ҳикоятлар.

Биз ушбу таснифни шартли равишда белгиладик. Сабаби, Навоий ҳикоятлари мавзулар кўлами ва ғоявий-фалсафий жиҳатдан ниҳоятда ранг-барангдир. Бу асарлар шоир яшаган даврнинг муҳим масалаларига бағишланган. Булар ўзаро урушларни қоралаш, марказлашган давлат, осойишталик ва адолат учун кураш, ватанпарварлик, бунёдкорлик, меҳнатни куйлаш, илм-маърифатга чақириш, соф севги-садоқатни улуғлаш каби масалалардир.

Навоий адабий меросини кўздан кечирганда, қанчалик таъсирли ва ҳаётий бўлмасин, бирор фалсафий мушоҳада, руҳий кечинма ёки умумлашма хулосаларни бадийликдан, образликдан ҳоли кўрмаймиз. Чунки “Навоийда фалсафий мушоҳада улуғ. У турмуш, жамият, давр, табиат воқеа-ҳодисаларини файласуф назари ва ақли билан тадқиқ эта боради. Шу сабаб унинг асарларида Ойбек айтганидек, фалсафа билан поэзия органик равишда бирлашади, ягона бир тилга эга бўлади” [2,172].

Адабиётшунос А.Рустамов Навоийнинг ижодий муваффақиятлари омиллари ҳақида гапирар экан, халқнинг оддий кундалик

ҳаётини яхши билишини ҳам ана шу омиллардан бири сифатида баҳолайди. “Бусиз халқ юрагига етадиган асар яратиш мумкин эмас. Навоий турли касбдаги кишиларни, ҳар хил тоифага мансуб одамларни, уларнинг турмушини, руҳий кайфиятини муфассал билган. Навоийнинг баъзи мураккаб ҳодиса ва тушунчаларни оддий ҳаётдаги турмуш воситалари орқали ифодалаш бунга далилдир” [3,63].

Достондаги ҳикоятлар ичида **ижтимоий-сиёсий ва фалсафий** мазмундаги ҳикоятлар анчагина ўрин эгаллаб, уларда жамият ҳаётининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалари ҳамда шоирнинг тасаввуф фалсафасига оид баъзи қарашлари ўз аксини топган. “Золи зар”<sup>2</sup>, “Ҳотами Тойи”, “Муқбил ва Мудбир”, каби ҳикоя ва масаллар шундай асарлар жумласига киради.

Достонда **ислом дини ва тасаввуф таълимотининг айрим намояндалари ҳаёти ҳамда уларнинг муҳим қарашлари** ҳақидаги ҳикоятлар ҳам катта ўрин тутди. Уларнинг баъзилари Одам Ато, Азозил (шайтон), Азроил, Сулаймон пайғамбар ва шунга ўхшаш диний-афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги анъанавий ривоятлар бўлса, айримлари Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг чорёр – саҳобалари Абубакр, Умар, Усмон ва Али, шунингдек, тасаввуф таълимотининг машҳур намояндалари бўлган Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Иброҳим Адҳам, Баҳоваддин Нақшбанд кабиларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим лавҳаларни, уларнинг ибратли фикр-мулоҳазаларини баён этишга бағишланган.

Ушбу ҳикоятларнинг аксарият қисми муаллиф томонидан баён қилинган тасаввуфга оид айрим масалаларга оидлик киритишга хизмат қилдирилган.

Азозил (шайтон) ҳақидаги ривоятда нақл қилинишича, Тангри Одамни вужудга келтирмасдан олдин Азозил барча фаришта-малоикаларнинг сарвари бўлган экан. У Яратганнинг амрига итоат қилиб, неча минг йиллар давомида тоат-ибодат билан машғул бўлган. Одам яратилгач, Оллоҳ барча малоика-фаришталарни унга

<sup>2</sup> Достондаги ҳикоятлар умумий мавзу билан мазмунан боғлангани учун Алишер Навоий уларнинг кўпчилини алоҳида номламаган. Биз уларнинг айримларини мазмунидан келиб чиқиб, шартли номладик.

сажда қилмоққа буюради. Азозил эса кибр ва манманликка берилиб, Одамга сажда қилишни хоҳламаган ва шу такаббурлиги туфайли абадий тавқи лаънатга учраган.

Достондаги шеърий ҳикоя ва масалларнинг катта қисмини **ахлоқий-таълимий ҳикоятлар** ташкил этади. Кишилар характеридаги турли салбий хислатларни, уларнинг камчилик ва нуқсонларини асарларида гоҳ ўткир ҳажв, гоҳ енгил юмор билан фош этган Навоий мазкур ҳикоятларда ҳам ўзларида ҳар хил ярамас иллатларни мужассамлаштирган шахсларнинг жирканч кирдикорларини зўр маҳорат билан очиб ташлайди. Шу жиҳатдан асардаги хасис киши, сохта гавҳарфуруш, ҳинд савдогари, мечкай полвон, Муқбил ва Мудбир, танбал киши, хомхаёл қаландар, ўз ишини яхши билмайдиган боғбон ҳақидаги ҳикоятлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларда шоир феодал тузум келтириб чиқарган турли ахлоқий иллатларни кескин танқид остига олар экан, бу иллатларга инсон ва жамият камолотига тўсқинлик қилувчи омиллар сифатида қарайди.

Навоий ишқ мавзусида даврига нисбатан энг илғор фикрларни олға сурди. У ўз асарларида инсоний муносабатлар масаласига кенг тўхталади, поклик ва садоқатни улуғлайди. “Ҳайрат-ул аброр”даги “Икки вафоли ёр” (саккизинчи мақолатга илова қилинган) ҳақидаги ҳикояти алоҳида диққатга сазовор. Ҳикоятнинг қисқача мазмуни шундай:

Жаҳонгир Амир Темур Ҳиндистонга юриши маҳалида сулҳ тузишга рози бўлмаган душманни қирғин қилишга фармон беради. Бу тўс-тўполондан беҳабар суҳбатлашиб ўтирган икки вафоли ёр олдига жаллод етиб келади. Жаллод улардан

бирига тиг кўтарганида иккинчиси бошини тутуди, ёридан олдинроқ уни ўлдиришини илтижо қилади. Иккинчисини ўлдирмоқчи бўлганида эса биринчиси тиг остига бошини кўйиб, аввал ўзини ўлдиришини сўрайди. Икки вафоли ёрнинг бундай хатти-ҳаракати жаллодни довдиратиб қўяди. У саросимада турган пайтда қатли омни тўхтатиш ҳақида янги фармон етиб келади. Икки ёр бир-бирига бўлган вафоси туфайли ўлимдан қутулиб қолади. Ҳикоят сўнгида шоир шундай хулосага келади:

***Бир-бирига кечти алар жонидин,  
Шоҳ доғи кечти улус қонидин.***

Кўринадики, шоир ҳар бир ижтимоий-филсафий масалаларга йўналтирилган фикрларини бадиий асар намунаси бўлган ҳикоятлар билан мустаҳкамлайди, ўз қарашлари ва хулосаларини ҳам мантиқан, ҳам бадиий жиҳатдан асослайди. Демак, муаллиф ўз асарида биринчидан, даврининг пешқадам донишманди, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган давлат ва жамоат арбоби, шу билан бирга, йирик сўз санъаткори сифатида намоён бўлади.

Таҳлилга тортилган ҳар бир ҳикоят дoston композициясида ўз ўрни ҳамда мавқеига эга. Бу ҳикоятлар мантиқан бир-бирини тўлдиради, умумий мақсад ва ғояга хизмат қилади. Достондаги мақолатлар бир-бири билан қанчалик узвий боғлиқликда, умумий композиция ҳалқаси сифатида намоён бўлса, ҳикоятлар ҳам шу тариқа бир-бирига бадиий уйғунликда, мантиқий изчилликда бирлашади. Ҳикоятларнинг санаб ўтилган жиҳатлари ғарб адабиётида кенг тарқалган притчалар билан уйғун ва ҳамоҳанг жиҳатларига ойдинлик киритишга ёрдам беради.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайрат-ул аброр. –Т., 2006
2. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: 1974.
3. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. –Т., 1990.
4. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т., 1979.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)